

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**БОЛАЛАР ЁШИДА ПАРОДОНТ КАСАЛЛИКЛАРНИ
МАҲАЛЛИЙ ВА УМУМИЙ ДАВОЛАШДА
ФИЗИОТЕРАПИЯ-ФИТОТЕРАПИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**



Тиббиёт олий таълим муассасалари проффесор ўқитувчилари ва талабалари
учун услубий қўлланма

БУХОРО-2017.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
БОЛАЛАР СТОМАТОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ**

“Тасдиқлайман”

Бухоро давлат тиббиёт институти

ректор в.б

С.Ш.Олимов

“ 1 ”

2017 йил

**БОЛАЛАР ЁШИДА ПАРОДОНТ КАСАЛЛИКЛАРИНИ
МАҲАЛЛИЙ ВА УМУМИЙ ДАВОЛАШДА
ФИЗИОТЕРАПИЯ - ФИТОТЕРАПИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

Услубий қўлланма

(Тиббиёт институти стоматология факультети талабалари учун)

Бухоро 2017

Тузувчилар:

С.Ш. Олимов-Бухоро давлат тиббиёт институти “Болалар
стоматологияси” кафедраси доценти т.ф.н.

Ё.Қ.Эронов-Бухоро давлат тиббиёт институти “Болалар стоматологияси”
кафедраси ассистенти

Ш.Б.Жумаева- Бухоро давлат тиббиёт институти “Тиббий биология ва
гистология” кафедраси ассистенти

Такризчилар:

Н.Н.Ҳабибова-Бухоро давлат тиббиёт институти “Терапевтик стоматология”
кафедраси муdiri, т.ф.н.

Д.М.Мусаева-Бухоро давлат тиббиёт институти Фармакология, нормал ва
патологик физиология” кафедраси муdiri, доцент.

**Услубий қўлланма Бухоро давлат тиббиёт институти Марказий услубий
комиссия йиғилишида тасдиқланган.**

“_____” _____ 2017 йил _____ сонли баённома

**Услубий қўлланма Бухоро давлат тиббиёт институти Илмий кенгашида
тасдиқланди.**

“_____” _____ 2017 йил _____ сонли баённома

Илмий кенгаш котиби:



доц.К.Ж.Болтаев

СЎЗ БОШИ

Ушбу услубий қўлланма пародонт касалликлари ва стоматологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлган пародонт касалликларни даволаш кетма-кетлиги, маҳаллий ўстириладиган доривор ўсимликлар қўлланилишига қаратилган чора-тадбирларга бағишланади. Услубий қўлланмада мавзунинг долзарблиги, мақсади, вазифаси, талабалар билимини баҳолаш мезонлари, назорат, топшириқларни тест саволлари, ўз аксини топган.

Услубий қўлланмада пародонт касалликларини даволашда – антисептиклар, анестетиклар, антибиотиклар, ферментлар, витаминлар, кератопластиклар, дезинтоксикацияловчи дори воситалар ёшга боғлиқ дозалари келтирилган. Услубий қўлланманинг аналитик қисми мавзуга доир тест саволлари, амалий кўникмалар ва талабаларнинг билимини текшириш учун саволлар билан бойитилган.

Мавзунинг ҳар бир қисмини ёритишда янги адабиётлар ва интернет маълумотлардан кенг фойдаланилди.

Услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш Маркази томонидан тавсия этилган “Ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва расмийлаштириш” талаблари асосида тайёрланиб, тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, стоматологлар ва стоматология факультети талабаларига, госпитал болалар терапевтик стоматологияси фанининг намунавий дастурига мос мавзулар бўйича билимларини янада чуқур ўзлаштириш учун тавсия этилади.

Мавзу: Болалар ёшида пародонт касалликларни маҳаллий ва умумий даволашда физиотерапия-фитотерапиянинг аҳамияти

1. Таълим бериш технологияси (амалий машғулот)

Вақт: 315 дақиқа	Талабалар сони: 10-15
Ўқув машғулоти ўтиш жойи	Болалар стоматологияси кафедраси
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Кириш қисм. 2. Назарий қисм. 3. Амалий қисм 4. Якуний қисм.
Ўқув машғулоти мақсади:	Болаларда пародонт касалликларини эрта аниқлаб ташхислаш, бу касаллик даво ва профилактик чоратadbирларини ишлаб чиқиш ва режалаштириб уларни амалга оширадиган умумий врач стоматологлар тайёрлашда иштирок этиш. Болаларда пародонтитни ривожланиши, клиник кечишига таъсир этувчи маҳаллий ва умумий омиллар билан таништириш. Пародонт касалликларини қиёсий ташхислашни, пародонтитни клиник-рентгенологик шакллари фaрқлашни ва даволаш усуллари ҳолатини ўтказиш.
Таълим усуллари	Мия хужуми, беморлар билан ишлаш, амалий
Таълим шакли	Кўргазмали маъруза, суҳбат
Таълим воситалари	Ўқув материаллари,дори воситалари комплекси, видеофильмлар, ёзув тахтаси, чизма, схема, эслатма, назорат варағи, назорат саволлари
Таълим беришшароити	Махсус ўқитиш воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
Мониторинг баҳолаш	Оғзаки сўров: тезкор-сўров, ёзма сўров: тест, рецепт ёзиш.

2. Амалий машғулотнинг технологик ҳаритаси

Иш босқичлари	Ўқитувчининг фаолияти	Талабалар
1-босқич Кириш	1.1. Давоматни текширади. 1.2. Мавзу номини эълон қилади, режалаштирилган машғулот натижасини ва мақсадини тушунтиради. 1.3. Машғулот режаси билан таништиради. 1.4. Талабаларнинг билимини баҳолаш мезони ва кўникмалари билан таништиради.	1.1. Эшитади. 1.2. Тинглайди, ёзиб олади. 1.3. Тинглайди, аниқлаштиради, савол беради. 1.4. Тинглайди, аниқлаштиради, савол беради.
2-босқич Назарий қисм	2.1. Мавзуларнинг ёритувчи саволлари бўйича сўров ўтказади ва талабаларнинг тайёргарлик даражасини аниқлайди. 2.2. Талабалар томонидан бутунлай ўзлаштирилмаган саволлар бўйича тушунча беради. 2.3. Талабаларни кичик гуруҳларга бўлади. Кичик гуруҳларда рецептларнинг ҳар хил кўринишини ёзишни ва масалалар ечимининг кейинги намоишини беради. 4. Ёзилган рецептлар бўйича гуруҳларнинг чиқишларини, намоишини, муҳокамасини ва ўзаро баҳолашини ташкил қилади. 2.5. “Мия ҳужуми” усулини ташкил қилади ва ўтказади. Бу асосда талаба билимини фаоллаштиради. Хулоса қилади. 2.6. Дамлама, кайнатма, эмульсия, доривор йиғмалар. Томчилаб дозаланадиган эритмалар, суюқ экстрактлар. Доривор ҳўқналар кабиэритмаларни ишлатиш қондаси ва мақсадини тушунтиради. Берилган	2.1. Саволларга жавоб беради. 2.2. Тинглайди. 2.3. Кичик гуруҳларга бўлинади, масалалар ечади ва гуруҳда турли хил кўринишли рецептларни ёзади. 2.4. Гуруҳлар ўз масала ечимлари намоиши ва рецепт ёзилиши билан чиқади. Қолган катнашчилар гуруҳларнинг чиқишларини баҳолашади, саволлар беришади, ўз фикрларини билдиришади. 2.5. Тинглайди, аниқлаштиради, топшириқларни бажаради, жавобларни муҳокама қилади. 2.6. Тинглайди,

	мавзунинг умумий муҳокамасини ташкил қилади. 2.7. Тарқатма материаллар намоиш этади.	рецептни ёзилишини аниқлаштиради, масалаларни якка тартибда ечади. Иш бажарилишини жамоа бўлиб муҳокама қилади. 2.7.Тарқатма материалларни ўрганади.
3-босқич Амалий қисми	3.1.Талабаларга машғулотнинг амалий қисмини бажариш бўйича қўлланма (йўриқнома) беради. 3.2. Талабаларга ёзма текширув саволлар ва рецептура бўйича берилган топшириқларни бажаришни – амалий кўникмаларни бажариш бўйича топшириқлар беради. 3.3.Амалий ишлар натижасини ва ёзма уй вазифасининг бажарилганлигини текширади.	3.1. Тинглайди, савол беради. 3.2.Текширув саволларга жавоб беради ва дафтарда рецептура бўйича берилган топшириқларни бажаради. 3.3.Тинглайди.
4-босқич Якуний қисм	4.1.Мавзу бўйича хулоса қилади, талабаларнинг эътиборини ушбу ишнинг, уларнинг кейинги касбий фаолиятида аҳамиятига қаратади, машғулот мақсадига етганлик даражасини таҳлил қилади. 4.2.Талабаларнинг назарий ва амалий машғулот қисми бўйича билим даражасини баҳолайди ва баҳоларни эълон қилади. 4.3.Кейинги машғулот учун вазифа беради, керакли адабиёт рўйхати ва ушбу мавзу бўйича интернет сайтларини эълон қилади.	4.1.Тинглайди. 4.2.Тинглайди. 4.3.Тинглайди, ёзиб олади.

3. Мавзуни асослаш

Ҳар бир стоматолог пародонт касалликларини замонавий даволаш усулларида фойдаланиши ва маҳаллий доривор ўсимликлардан тайёрланган дамлама, кайнатмаорқали даволаш самарадорлиги юқорилигини билиши лозим.

4. Фанлараро ва фан ичидаги боғлиқлик

Бу мавзуни ўқитиш, талабаларни терапевтик стоматология ва болалар стоматологияси фанларидан билимларига асосланади. Буларни билиш талабаларни Госпитал болалар терапевтик стоматологияси фанини ўқишда жуда керак бўлади.

5. Назорат учун саволлар

1. Болалар ёшида пародонт касалликларни маҳаллий даволаш.
2. Болалар ёшида пародонт касалликларини умумий даволаш
3. Даволашда керак бўладиган дори-воситалар.
4. Болалар пародонт касалликлари профилактикаси.
5. Маҳаллий ва умумий омилларнинг нохуш таъсири остида тиш-милк бутунлиги бузилмасдан туриб милкнинг яллиғланиши.
6. Пародонт касаллигининг энг асосий даволаш босқичи
7. Яллиғланишни аниқлаш учун фойдаланилмайдиган метод.
8. Минераллашган тиш чўкмаларини тозалашнинг аҳамияти

5.1. Машғулотда қўлланиладиган педагогик технологиялар

“МИЯ ХУЖУМИ” УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ

Бу усул бўйича ишлаш учун фикрни очик айта олиш ва ишонч муҳитини ўрнатиш керак. Бу усул эркин ўйлашни, ўз фикрини тўғрилигини англатишни ва хилма-хил ўйлашни ўргатади. Бу усулни қўллаш учун ҳеч қандай фикрлар чегараси ва ҳеч қандай танқидий фикрлар бўлмаслиги лозим. Чунки юқорида айтиб ўтилган вазиятлар эркин ўйлашни чегаралайди. Бундан ташқари бу усул фикрни дангал айтишни, ўз фикри ва бошқаларнинг фикрини умумлаштириб фикрлашни, ҳар қандай ҳолатда ўз фикрини тўғрилигини исботлаб беришни, бу фикрдан ҳеч қачон қайтмасликликни, реал ўйлашни ўргатади.

Талабаларга маълум муаммони ҳал этиш таклиф қилинади. Ҳар бир талаба ўзининг фикрини ва таклифларини айтади. Буларнинг барчаси доскага ёзилади. Кейин навбат билан муаммо жавоблари талабаларнинг жавоблари билан солиштирилади. Охирида топшириқ тўғри бажарилганлиги баҳоланади ва ҳулоса чиқарилади.

Талабаларга дозалар, ҳисоб-китоблар ва уларнинг лотинча номлари бўйича асосий саволларни муҳокама қилиш таклиф қилинади. Охирида вазифаларни тўғри бажарганлиги бўйича баҳоланади ва умумлаштирилади.

6. Машғулот мазмуни:

6.1 Назарий қисми

Пародонтитларни даволаш: Бу хасталикни даволашлар асосан унинг кечишига, оғир-енгиллиги ва тарқалиш кўламига аҳамият берилади. Маҳаллий даволашдан мақсад - оғиз бўшлиғидаги, қолаверса, тиш-милк чўнтагидаги патоген микробнинг зарарли таъсирини бартараф қилиш, пародонт тўқимасидаги капилляр қон айланиши бузилганлиги милкга алоқадор бузилган тўқималарни тиклаш, тўқимадаги шишни кетказиш ва ниҳоят, тўқимадаги моддалар алмашинувини, оксидланиш ва қайта тикланиш жараёнини ҳамда тўқиманинг ўзини қайта тиклашига эришишдир.

Пародонтитни даволашнинг асосий клиник белгиларидан бири патологик тиш-милк чўнтагини жарроҳлик усулида йўқотишдир. Яна бир муҳим мақсад - суяк тўқимасини тақчил бўлган минерал тузлар ҳамда витаминларга бойитишдир.

Пародонтитнинг енгил турида тиш карашлари ва тошлар олиниб, патологик чўнтаклардаги грануляцион тўқима илмоқлар эксковатор ёрдамида олинади ва маҳаллий яллиғланишга қарши дорилар қўлланилади. Бу муолажалар билан бирга кариес ва унинг асоратлари бўлса, даво чоралари кўрилади, милкка ёки милк сўрғичига осилиб турган пломбалар қайта ишланади. Асосий муолажани бошлашдан аввал пародонт тўқимасини оғрикризлантириш керак. Бунинг учун лидокаиннинг 10% ли аерозолидан ёки пиромекаин суртмасидан фойдаланилади. Сўнгра антисептик эритмаларнинг бирортаси билан пахта яхшилаб ҳўлланиб ювилади. Тишдаги карашлар ва тошлар олинганидан кейин шприц билан босим остида тишлар оралиғи ва тиш-милк чўнтаклари яхшилаб ювилади. Тозалашнинг қанчалик пухта тозаланганлигини билиш учун фуксин эритмаси ёки эритрозин таблеткасидан фойдаланилади. Масалан, фуксиндан фойдаланмоқчи бўлсак, чорак стакан сувга 10-15 томчи томизилади ва бемор бу суюқлик билан оғзини чайқайди, қолдиқ караш ва тошлар пушти ранга бўялади. Агар бу ҳолат аниқланса, яна қолганлари тозалаб олинади. Беморга тишни тозалаш қоидаси ўргатилади ва 2,7,14 - кунлари тозалаш даражаси кўрикдан ўтказилади. Мабодо, камчилик сезилган бўлса, беморга қайта тушунтирилади. Беморга уй шароитида оғизни чайиб туриш учун бирор апгисептик эритма буюрилади. Яхши натижа берадиганлардан бири хлоргексидин эритмасидир. Таркиби қуйидагича: хлоргексидин биглюконат 20% - 2 мл., ош тузи- 4,0 гр., дистилланган сув 1 литр. Тишлар шифокор ўргатганидек тозалангандан сўнг бу эритмадан бир култум оғизга олиб, 2-3 дақиқа ушлаб турилади. Бу муолажа эрталаб ва кечқурун бажарилади. Муддати 5-7 кун. Шу мақсадда себидин таблеткасини шимиш ҳам мумкин, унинг таркибида хлоргексидин ва аскорбин кислота бўлади.

Пародонт тўқимасидаги шишни қайтариш мақсадида гепарин, бутадион, индометацин (25%), димексид эритмаси ва бошқалардан фойдаланилади. Шу мақсадда глюкокортикоидларни ҳам қўллаш мумкин. Гепарин майда қон томир деворларининг ўтказувчанлигини сусайтириши натижасида тўқимада шиш камаяди ва тез орада йўқолади. Гепаринни пародонт тўқимасига электрофорез усулида, 5000 ТБ ни ўтувчи бурмага юбориш ёки унинг суртмасини тиш-милк чўнтагига солиб, унинг устидан парафин ёки бошқа боғлам қўйилади. Бутадион ёки индометацинли суртмани ҳам шишга қарши қўллаш тавсия этилади.

Пародонтитнинг ўрта даражада кечишида ҳам юқоридаги дорилар қўлланилади, қўшимча равишда очиқ кюретаж қилинади.

Пародонтит оғир кечганда кўпроқ қўшимча дори сифатида ферментлар ишлатилади. Ферментлар тўқимада моддалар алмашинувини, оксидланиш ва қайта тикланиш жараёнини кучайтиради. Эритмага антибиотикни ҳам қўшиш мумкин; 1мл га 25000-50000 ТБ, сульфаниламид препаратларини ҳам ишлатса бўлади (5мл, ферментга 0,1 г); ферментга нитрафурон қаторидаги препаратлардан қўшса ҳам бўлади. Тайёрланган эритма билан пахта пиликчаси хўлланиб, тиш-милк чўнтагига киритилади ва 20-30 дақиқа турганидан кейин пиликча олиб ташланади. Бу муолажа 7-10 кун қайтарилади. Ферментни электрофорез усулида ҳам тўқимага юборса бўлади. Эритма юқорида кўрсатилганидек тайёрланади ва мусбат кутбдан юборилади.

Пародонтитнинг қайта хуружида тиш-милк чўнтаги 0,05%ли террилитин эритмасини ишлатиш мумкин. 15-20 дақиқадан кейин пахта пиликча олиб ташланади. Чўнтакка метихлозим қоришмасини киргизиш ҳам мумкин. Унинг таркиби қуйидагича: профессионал 5,0 хлоргексидин 0,2 метилурацил 0,2 глицерин 30,0 рух оксиди 100,0 гача. Булар ҳаммаси аралаштирилиб, бирорта ёғда (витамин Е, А, каротин, шафтоли мойи ва бошқалар) қориштирилади. Унинг таркибида бир қатор ферментлар бор. Аппликация сифатида қўлланилади. Пародонтитни даволашда шифо беради. Бундан ташқари, контрикал ёки трасилолни лизоцим билан бирга эритма холда пахта пиликчаси ёрдамида чўнтакка киритилади.

Пародонтитни ўртача, оғир ёки қайталанган турида антибиотиклар ҳам кенг қўлланилади. Бунга мисол линкомицин гидрохлорид (30%) бўла олади. Милкнинг ўтувчи бурмасига ҳар куни ёки кунора юборилади. Линкоцин ҳам линкомицинга ўхшаб юборилади. Граммусбат ҳамда стрептококкларга таъсир қилади. Суяк тўқимасигача кириб боради. Клафоран граммусбат ва аэробли микроблар қайд қилади ҳамда бошқа микроблар ҳам бўлганидан бу антибиотик яхши таъсир қилади. Бу ҳам шприц билан ўтувчи бурмага юборилади. Таъсир доираси жуда кенг бўлган дори, таблеткада чиқарилади (0,2г). Фақат маҳаллий тўқимага қоришма ҳолида ёки даволовчи боғлам таркибига қўшилади. Пародонтитнинг тарқалган турида беморда қўшимча иммун тизимининг

бузилиши аниқланганда ва юқорида қайд этилган усуллар яхши натижа бермаганда декариснинг 0,5 % ли эритмаси, димексиднинг 30%ли эритмаси ишлатилса яхши натижага эришилади. Бу эритма билан бемор уй шароитида 3-4 маҳал оғзига ванна қилиши мумкин. Стоматолог қабулида дока ҳўлланиб, милкка ёпилади ёки пахта пиликчаси ҳўлланиб ҳар бир тиш оралиғидаги милк сўрғичи устига қўйилади. 10-15 дақиқадан сўнг пиликча олиниб ташланади. Левомизолни ҳам иммуномодулятор сифатида қўллаш мумкин.

Патологик тиш-милк чўнтагидан йиринг ажралиши тўхтаганидан кейин қуйидаги дорилардан тайёрланган боғламни тишнинг икки томонидан қўйиш керак. Мисол: МК -14 И-бу элимли боғлам бўлиб, тайёр ҳолда бўлади. Таркибида асосан цианакрилат бор. Бундан ташқари яна 0,2% хлоргекседин эритмаси ҳам бор. Бу боғлам пародонтдаги микробларга қарши курашади, яллиғланган тўқима юзасини тез битқизади. Милк устига махсус чўтка билан қатлам-қатлам қилиб сурилади, у тезда киритади, кейин 3-5 кун давомида секин-аста сурилиб кетади.

МК- 14 И 2- шприцда бўлади, битта полиетилен идишчага иккала шприцдагидан керагича солиниб аралаштирилади, сўнгра милк устига сурилади. 3 % ли индометацин суртмаси ҳам милкка сурилади. Репин 2 сикма тубикда чиқарилади. Иккаласидан махсус идишчага ёки пломба ашёларини қориладиган шишачага эзиб чиқарилади, шпател билан аралаштирилади ва милк устига бир текис қилиб тишнинг икки томонидан сурилади, бироз вақтдан кейин яхши киритади ва 1 кун тушиб кетмай туриши мумкин. Рух оксиди 40,0 дуракрил 1,0 хлоркамфорафенол 1,0 учаласи аралаштирилиб милкка қўйилади, 10-20 дақиқада қайтарилади.

Юмшоқ боғламни қоришмалар қуйидаги дорилардан тайёрланади:

1.Рух оксиди 50,0

Дентин 50,0

Гидрокортизон суртмаси паста ҳолигача қўшилади.

2.Гидрокортизон ўрнига эвгинол мойидан қўшса ҳам бўлади ёкиоксикорт суртмасидан тайёрласа ҳам бўлади.

Пародонт касаллигида тиш-милк чўнтагига киргизилган қоришма дориларни оғиз бўшлиғида тезда ювиб кетмаслиги учун уни устида милкни тишнинг икки томонидан 5-6 қават докани парафинга шимдирилиб қўйиш мумкин, устидан бу боғламни тиш ва милкка босилади, шунда яхши ёпишади ва сўлак кирмайди. 2-3 дақиқада қайтарилади, парафин иссиқ ҳолда бўлгани учун милкдаги қон томирларни кенгайтиради ва натижада дорилар капиллярлар орқали тез тўқимага сурилади. Парафин 20-25 дақиқада совийди, лекин боғламни янада узокроқ муддат оғизда ушлаб турилса бўлади. Боғламлари қўллаш муддати 3-6 кун.

Пародонтозни даволаш. Пародонт касаллигининг бу турини асосан унинг кечишига қараб даволанади. Атрофия кучайиб, тиш-бўйин қисмининг

сезувчанлиги ошганда ремтерапия, яъни тиш каттиқ тўқимасининг минералланиш даражасини оширишга қаратилади. 1-2%ли натрий фтор, калций хлор, витамин В, электрофорез ёрдамида тўқимага юборилади. Шу мақсадда фторлакини суркаш ҳам мумкин.

Касалликни даволашдаги сўнги мақсад пародонт тўқимасини тўла физиологик ҳолатга яқинлаштириш, қон томирлар фаолиятини ошириш, суяк таркибидаги минерал тузлар, микрочастоталарини кўпайтириш ва метаболик жараёнларни меъёрлаштириш. Бунда асосан физикавий усулларни қўллаш орқали эришилади.

Сув билан даволаш. Бунда ҳар хил минерал сувлар ва антисептик эритмалардан фойдаланилади. Бузилиш шишдаги тишларнинг ораликларида, ўтувчи бурмаларда, тиш кавокларида тутилиб қолган овқат қолдиқларини ва касаллик маҳсулотлари чиқинди ва чиринди маҳсулотлардан тозалайди. Сув билан даволанишнинг ҳар хил усуллари бор, Масалан: оғизни чайиш, ванна қилиш, яъни бироз оғизда ушлаб туриш.

Иккинчи усул сувли эритмалар, дамламалар, минерал суртмаларни махсус АГМС номли мослама билан 05-2,0 атмосфера босими остида милк ва тишга махсус учлик билан душ ҳолида пуркалади. Сув ҳарорати яллиғланиш даражасига қараб иссиқ, илиқ ёки тана ҳароратида ва ҳатто совуқ ҳам бўлиши мумкин.

Физотерапия

Ультрабинафша нуридан ҳам кенг фойдаланилади. Касаллиكنинг асосий патологик белгиси суяк тўқимаси минерал тузларнинг сўрилиб кетишидир. Ультрабинафша нури: БОП-4, ОН-82, ОН-7, ОКУФ-5М, УГН-1 шулар сирасига киради. Ультрабинафша нури тубус ёрдамида тишлар гурузон олдидаги тиш милк чегарасига йўналтирмайди, тубус иложи борица милкка яқин бўлиши керак, чунки тубус милкдан қанча узоқ бўлса, нур шунча атрофга тарқалиб, таъсир даражаси камаяди. Муолажа вақтида турғун бир бўлим нурланмайди, бемор бўйнини секин буриб ҳамма тиш гуруҳлари олдини нурлантириш керак. Пародонтоз касаллигининг тарқалган турида агар ҳамма тишлар бўлса, нурлантириш муддати ҳар бир жағга 6-дакика (2 биодоза) бўлиши керак. Бунда ҳар бир тиш гуруҳи 1,5-2 дақиқадан нур олади. Масалан, устки пародонт тўқимаси учга бўлинади (олдинги ва икки ён тиш гуруҳлари). Биринчи куни устки жағпародонтига нур берилса, иккинчи куни пастки жағпародонт тўқималари нурлантирилади. Демак, ҳар бир жағқунора муолажа олади. Жами муолажа 8-10 кун.

Аэрозоль- билон даволаш. Дори заррачалари пародонт тўқимасига пуркалади. Бунинг учун махсус асбоблар бор: АИ-1, ПАИ-1, ПАИ-2, П-1 аэрозоли шулар сирасидан. Дорилардан каротоллин, облепиха мойи, каланхое шарбати, наъматак мойи, витамин А ва шу кабилар ишлатилади.

Бу муолажани электр аерозолда ҳам бажариш мумкин. Муолажа муддати 10-15 дақиқа. Кунига 1 ёки 2 маротаба муолажа ўтказилади. Жами муолажа 10-12 маротаба.

ЛАЗЕР-Пародонт касаллигида лазер нуридан ҳам кенг фойдаланилади. Лазер нури тўқимага қуйидагича физиологик таъсир қилади: ўткир яллиғланиш бартараф қилинади, тўқималар рағбатлантирилади, хужайралараро шишлар кетади, капиллярлар фаолияти ошади, кислород алмашинуви яхшиланади, капиллярлар кенгаяди, қон тезроқ оқади, капиллярлардаги тикинмалар оқиб кетади ва капилляр томирлар ёғли очилади, қон қуюлиш даражаси пасаяди, хужайра мембраналари меъёрланади, экссудация жараёни сусаяди, гемоглобин миқдори қисман кўпаяди, бевосита нурланган тўқима юзасидаги микроблар ўлади, вируслар фаоллиги сусаяди, тўқима оғриқсизланади. Қўлланиладиган асбоблар: ЛГ-75, ЛТМ-01, ЯГОДКА, АФЛ-2 ва бошқалар. Муолажани ўтказишда ўзига хос талаблар бор. Хонага имкони бориша қуёш нури тушмасин, асбобга ҳам қуёш нури тик тушмасин, муолажа вақтида бемор ва тиббиёт ходими ҳимоя кўзгусидан фойдаланиши зарур. Нурландиган тўқима дока билан киритилади, тўқима 3%ли йод ёки йодиол, фуксин суртилади, тўқиманинг яроқлилиқ даражасини камайтириш мақсадида лазер нурининг тўқимага сингиш даражаси оширилади. Нурландиган бўлимнинг ҳар бирини нурлаш 3 дақиқадан ошмайди. Жами нурлаш вақти 14 дақиқа. Агар пародонт тўқимасининг ҳамма бўлими нурланиши керак бўлса, гурух-гурухларга бўлиб нурлантирилади. Ультрабинафша нурини ишлатиш усулига ўхшаб, бир кун устки жағдаги тиш атрофи тўқималари нурлантирилса, иккинчи кун пастки жағдаги пародонт тўқималарига нур берилади, жами муолажалар сони 10-12.

ЭЛЕКТРОФОРЕЗ-Пародонт касаллигида энг кўп буюриладиган физикавий муолажа электрофорездир (электр токи ёрдамида дори ионлари тўқимага юборилади). Бу усулнинг афзаллик тарафларидан бири шуки, тўқимага доимий токнинг ижобий таъсиридир. Айниқса капилляр қон томирлари кенгаяди, тўқима биров оғриқсизланади, патологик жараёнда ҳосил бўлган чиқинди моддалар вена томирлари орқали ювиб кетади, суяк тўқимаси минералларга тўйинади (қон таркибидаги калций ва фосфор ҳисобига), шунинг учун бемор даволаниш давомида шу минераллар бўлган доридан ичиши керак, масалан: калций глюконат, калций глицерофосфат, лактат калций. Электрофорезда кўпинча витамин В15, С, ПП, биостимуляторлардан: алоэ, гумизол, фибс ва бошқалар ишлатилади. Ферментлардан: лидаза, хонсурид, гепарин. 2-6 % ли калий йодид, аминокепрон кислотадан ҳам фойдаланса бўлади.

Электрофорез муолажасини бажаришда дориларнинг қутб фарқи аҳамият бериш керак. Масалан, калций хлор билан электрофорез ўтказилса, оғизга қўйилладиган электродга 6-8 қават дока қўйилиб, айнан калций хлор билан ҳўлланади, иккинчи катта электродни махсус

пахмоқдан қилинган таг қатлами сув билан ҳўлланади ва билакка қўйилади. Оғиздан чиқадиган электрод сими асбобнинг мусбатига, қўлдаги электрод сими эса манфий кутбга уланади. Электрофорезда кутб катта аҳамиятга эга бўлгани учун даволаниш давомида фақат бир хил кутбли доридангина фойдаланилади. Агар бир кун мусбатли, масалан, витамин Б1 ва иккинчи куни витамин С манфийли қилинса, даволаш натижаси яхши бўлмайди, чунки электрофорезда тўқимага электр токи ёрдамида киритилган дори ионларининг цодпик қисми иккинчи куни электродга қайтиб чиқади, биз физика қондасига биноан биламизки, карама-қарши ионлар бир-бирига тортилади. Иккинчи куни электрод таг қатлами ҳўлланган докадаги дори қисман қолади, бу эса тўқимага киригиладиган ионлар сонини камайтиради. Муолажа АГН, ПОТОК, ГР ва бошқа аппаратлар ёрдамида ўтказилади. Муолажа муддати 20-30 дақиқа. Даволаш 12 кун.

ДАРСОНВАЛИЗАЦИЯ. Бу физикавий усулда асосан ўзгарувчан токдан фойдаланилади. Икки хил усули бор. Учқунли ва учқунсиз. Учқунли усулда электрод беморнинг танасига тегилмайди, ўртада 3-4 мм оралик бўлади. Бунда иккиламчи зарядланган учқун бўлади ва мана шу учқун тўқимага ижобий таъсир қилади. Ҳарорат даражасининг юқорилиги сабабли хужайра таркибидаги суюқлик буғланади, баъзи хужайралар куяди, яна бошқаси бурушади ва х.к. Шунинг учун бу усул гипертрофик гингивитда қўлланилади. Ҳар бир тишлараро милк сўрғичига 1 дақиқа учқун таъсир қилинади. Агар гипертрофик ҳолат 6 тиш олдида бўлса, демак, 6 дақиқа бўлади. Муолажа вақтида дарсонвал учқуни пулигаси сор бўлган тишга таъсир қилмаслиги керак, акс ҳолда ҳароратнинг юқорилиги сабабли пулпа қуйиши мумкин, кейинчалик бу тишда асептик пульпит ривожланиши мумкин. Бу асоратнинг олдини олиш учун гипертрофик милк олдидаги тиш резинали тасма билан чегараланади. Лентача жарроҳлик қўлқопидан қирқиб олиниши мумкин, у қисман милк чўнтагига кириб туради ва тишга ёпишади.

Дарсонвалнинг учқунсиз усули пародонт касаллигининг тарқалган турида қўлланилади. Муолажа қуйидагича бажарилади: электрод микробсизлантирилганидан кейин унинг уч қисми ўтувчи бурмага қўйилади ва жағбўйлаб юргизилади. Агар ҳамма тиш бўлса, муддати 10 дақиқа, тишлар камроқ бўлса, муддат шунга қараб белгиланади. Бир кун юқори жағга, иккинчи куни пастки жағга қилинади. Умумий даволаш 10-12 кун.

Дарсонвалнинг учқунли турини врач қилади, учқунсиз турини эса биринчи куни ҳамшира кўрсатиб беради, қолган кунлари беморнинг ўзи ҳамшира назоратида қилади. Дарсонвализация учун Искра-1 аппаратида фойдаланилади.

Дарсонвализацияни бошқа физик усул билан ҳам биркунда кетма-кет буюриш мумкин. Масалан: дарсонвализация кетидан электрофорез

буюрилади. Дарсонвализацияни сув муолажаларидан бирортаси билан ҳам кетма-кет буюриш мумкин.

ВАКУУМЛИИ МАССАЖ:

Пародонт касаллигида ўзининг ижобий таъсирини янада яққол кўрсатадиган муолажа манфий босим ёрдамида милкда қон талаш пайдо қилиш - вакуум гематома ва иккинчи усул милкни уқалаш - вакуум массаж.

Вакуум гематомани пародонт касаллигининг ҳамма турида қўллаш мумкин, уқалаш усулини эса пародонтитнинг сурункали турида ва пародонтозда буюрилади. Вакуум қон талашни пайдо қилишдан аввал милкни оғриқсизлантириш керак. Апликацияли ёки ўтувчи усул ёрдамида маҳаллий усул қилинмайди, чунки шприц игнаси юмшоқ тўқимани тешади, натижада вакуум вақтида шу тешикдан оғриқсизлантириш суюқлиги, қон, учликка чиқиши мумкин. Вакуум қон талаштиришда бир вақтда устки ва пастки жағнинг бир томонида ҳар бирида 3-4 дан гематома ҳосил қилиш мумкин.

Уқалаш пародонт касаллигидаги энг кўп буюриладиган усуллардан биридир. Бу усулни бемор уй шароитида ҳам бажариши мумкин. Бунда асосан қон томирларининг фаолияти ошади, ундаги тиқинмалар йўқолади, тўқиманинг озиқланиши яхшиланади. Усулни врач биринчи куни беморга тушунтириб беради, яъни қўлнинг кўрсаткич ва бош бармоғини антисептик эритма билан артганидан кейин бирор ёғсуртилади ва алвеола ўсиғи икки томондан ушлаб ўтувчи бурма томонидан милк жияғи томон айланма ҳаракат билан уқаланади. Давоми 15-20 дақиқа, бир кунда бир, икки маротаба, ҳаммаси бўлиб 10-12 кун. Шунинг таъкидлаш зарурки, бу усул тишдаги тошлар олинганидан кейин ва патологик тиш-милк чўнтагидаги йиринг тўхтаганидан кейингина буюрилади.

Фитотерапия

Дамлама бош келишик бирлик сонда - *Infusum*, қаратқич келишик бирлик сонда - *Infusi*.

Қайнатма бош келишик бирлик сонда - *Decoctum*, қаратқич келишик бирлик сонда - *Decocti*.

Дамлама ва қайнатмалар ўсимлик хом ашёсининг қайноқ (100 градус) сув билан олинган ажратмаларидир. Улар ичиш учун мўлжалланган. Дамламалар кўпинча ўсимликларнинг барги – *folium*, гули - *flos*, ўтидан - *herba* тайёрланади. Қайнатмалар одатда ўсимликларнинг пўстлоғи - *cortex*, илдизи - *radix*, илдизпоясидан - *rhizoma* тайёрланади. Дамламалар 15 дақиқа қайнатилиб, батамом совигандан кейин филтрланади. Қайнатмалар эса 30 дақиқа қайнатилиб, қайноқ ҳолда филтрланади. Дамлама ва қайнатмалар тез бузилиб қоладиган бўлгани учун кўпи билан 3-4 кунга керакли миқдорда дорихонада тайёрланади. Улар кўпинча қошиқларда ичиш учун тавсия этилади. Рецептда фақатгина қисқартирилган шаклда ёзилади. Дамлама ва қайнатмаларни тайёрлаш учун ўсимликларни қуйидаги стандарт концентрациялари қабул қилинган:

- Кучсиз таъсир кўрсатадиган ўсимликлар учун 1:10
- Кучли таъсир кўрсатадиган ўсимликлар учун 1:30
- Заҳарли таъсир кўрсатадиган ўсимликлар учун 1:300

ТИНДИРМА

Тиндирма бош келишик бирлик сонда - *Tinctura*, қаратқич келишик бирлик сонда - *Tincturae*.

Тиндирмалар деб ўсимликлардан тайёрланган, озми кўпми рангли бўлган, суюқ, тиниқ спиртли, спирт-сувли ёки спирт-эфирли ажратмаларга айтилади. Уларни тайёрлаш учун кўпроқ 70% ёки 40% этил спирти қўлланилади, чунки унда дори таркибидаги асосий таъсир этувчи бирикма яхши эрийди. Шу билан бир қаторда спирт яхши консервациялаш хоссасига эга. Шу турайли дамба ва қайнатмаларга нисбатан тиндирмалар турғун дори шакли бўлиб, хона ҳароратида берк идишларда узоқ сақлаш мумкин. Тиндирмалар официнал препаратлар ҳисобланиб, фармакопея асосида фармацевтик корхоналарда тайёрланади ва дорихоналарда тайёр ҳолатда бўлади.

Тиндирмалар бўлинмаган дори шакли бўлиб, ҳар бир қабул учун бемор ўзи ажратиб олади.

Тиндирмаларга рецепт ёзишни фақат битта, официнал усули бўлиб, у *Tinctura* сўзидан бошланади, кейин ўсимликнинг номи ва тиндирманинг миқдори миллилитрларда кўрсатилади. Тиндирмалар томчилар билан тақсимланади ва асосан ичиш учун берилади. Аммо баъзи ҳолларда сиртга (чайқаш) ишлатиш учун берилиши мумкин.

Мисол, $td = 20$ томчи бўлган валериана тиндирмасига рецепт ёзилсин, 20 томчидан ичиш учун буюрилсин.

Rp.: Tincturae Valerianae 20 ml

D.S. 20 томчиданичилсин.

Тиндирмаларни ўзаро аралаштириб, 1 та рецептда ёзиб бериш мумкин. Мисол. $td = 20$ томчи бўлган валериана тиндирмаси ва $td = 10$ томчи бўлган марваридгўл тиндирмасининг аралашмасига рецепт ёзиб берилсин ва 30 томчидан ичиш буюрилсин.

Rp.: Tincturae Valerianae 20 ml

Tincturae Convallariae 10 ml

M.D.S. 30 томчиданичилсин.

ЭКСТРАКТ

Экстракт бош келишик бирлик сонда - *Extractum*, қаратқич келишик бирлик сонда - *Extracti*.

Экстрактлар деб ўсимликлардан спирт, эфир ёки сув ёрдамида тайёрланган, концентранган ажратмаларга айтилади. Таркибидаги суюқлик микдорига қараб улар суюқ (*Extracta fluida*), қуюқ (*Extractaspissa*) ва қуруқ (*Extracta sicca*) экстрактларга бўлинадилар.

Суюқ экстрактлар рангли суюқлик бўлиб одатда 1:1 нисбатда тайёрланади. Шунинг учун ҳам тиндирмаларга нисбатан таъсир этувчи модда концентрацияси уларда юқори бўлади. Суюқ экстрактлар официнал бўлиб, бўлимаган дори шакли ҳисобланади. Ичиш учун томчиларда берилади. Рецепт ёзиш усули тиндирмаларникидек, *Extracti* деб бошланади, сўнгра ўсимлик номи ва албатта экстрактнинг тури кўрсатилади. Сўнгра экстрактнинг беморга берилиши лозим бўлган микдори кўрсатилади. Агар суюқ экстракт бўлса, мл ларда белгиланади. Сўнгра сигнатурада бир марта ичиши лозим бўлган томчилар сони кўрсатилади.

Мисол. Суюқ итшумрут экстрактидан 30 мл га ёзиб берилсин, 30 томчидан ичиш учун буюрилсин.

Rp.: Extracti Frangulae fluidi 30 ml

D.S. 30 томчиданичилсин.

СТОМАТОЛОГИЯДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДАМЛАМА ВА ҚАЙНАТМАЛАР.

ЭМАН: Манзарали дарахт. Эман пўстлоғи ва гулларида тайёрланган дамлама билан милк қонаганда оғиз чайилса яхши фойда қилади. Икки ҳисса пўстлоққа бир ҳисса гул қўшиб, бир қошиқ асал аралаштирилиб, чой каби дамлаб ичиш тавсия этилади.

Витамин С организмда етишмаса милкларда қон айланиши ва мустаҳкамлик бузилади. Буни олдини олиш учун Вит Сбой маҳсулотларини кўпроқ истемол қилиш зарур. Картошка, карам, булғор қалампери, ош кўклар, қулупнай, лимон, апельсинда бўлади.

Агар милклар оғриб бўшашиб қолган бўлса, халқ табобатида ачиган карамни чайнаш тавсия этилади, анор гули ва анор уруғини аралаштириб сиқиб шарбатини оғизда бир паст ушлаб турилса, қонашини тўхтатиб пародонтитни даврида даволовчи вазифани бажаради.



МАЙМУНЖОН:

Маймунжонни 50 г баргини олиб устига 1 литр қайнаб турган сув қуйилади, кейин 15-20 дақиқа дамлаб қўйилади. Сўнг доқада сузилади. Бу дамлама билан оғиз чайилса гипертрофик гингивитни даволашда фойдали ҳисобланади.



ТУТ:

Қадим-қадимдан шарқ халқлари табобатида тут шифобахш неъмат сифатида қадрланиб келинган. Абу Али ибн Сино тут меваси ва унинг шираси билан оғиз яллиғланиши, оғиз бўшлиғи тошмаларни даволанганлиги маълум. Ҳозирги кунда тут меваси билан катарал гингивит ва пародонтит касалликларни даволашда қўлланилиб келинмоқда.



Саримсоқ пиёз:

табобатда саримсоқ жуда ҳам кўп касалликларни даволашда буюрилган. Турли захарланишда ҳам ишлатилади. Бир қисм саримсоқни шарбати, 4 қисм сув билан аралаштирилиб оғиз чайилса, милкдаги ҳар – хил йирингли яралар йўқолади, микробларни ҳам яхши йўқотади. Шунингдек милк оғриганда милкка хом саримсоқ палласини басилса оғриқ пародонт тўқимасидаги яллиғланиш жараёнларини бартараф этишда қўлланилади.



ТУЗ:

Тузлар уваланадиган, қазиб олинадиган, ва оқ тош тузлар бўлади. Яна қоранефтли туз ҳам бўлади. Туз йирингли яллиғланишларни олдини олади. Уваланадиган туз тозаловчидир. Оқ туз эса ел ҳайдайди. Тузнинг ҳамма тури ҳам қотган хилтларни эритади. Оқ туз зехнни ўткирлаб, тиш милкларини мустаҳкамлайди. Халқ табобатида тиш, милклар касалликларида тузли қайнатма билан чайилади ва оғриқ қолдиради. Бундай қайнатма тайёрлаш учун 1 ош қошиқ оқ туз, 1 чой қошиқ қора чой ярим литр сув билан обдон қайнатилади, шу қайнатмадан оғизга олиб бир оз турилади, уни ташлаб яна хўплаб олинади, токи милклар лўқилламагунча буни такрорлаш керак. Лўқиллаш милклардаги майда (капиляр) қон томирларнинг кенгайганини билдиради, қон юришиб кетгандан кейин шамоллаш барҳам топади. Абу Али ибн Сино алоэни эзиб шиллиғини яраланаётган милкка қўйишни тавсия этган, муолажа эрталаб ва кечқурун уйқудан олдин қилинса тез кунда шифо топиб, яралар битиб кетишини айтиб ўтган.



АНОР: қадим замонлардан бери табобатда турли касалликларни даволашда ишлатилади. Анор пўстлоғи таркибида киши аъзосига фойдали, иштаҳа очувчи, овқатни ҳазм қилишда ижобий таъсир этувчи органик кислоталар (4% гача лимон кислотаси, олма кислотаси), 21% гача қанд моддаси (фруктоза, глюкоза, сахароза), Витаминлар (14мг% витамин С, фолат кислота ва бошқалар) мавжуд. Анор пўстлоғи таркибида ошловчи, смола, бўёқ ва бошқа моддалар бор.

Илмий тиббиётда анор мевасининг шираси авитаминозида буйирилади, бунда милкдаги қамашиш, қонаш ва оғриқни бартараф этади.

Абу Али ибн Сино анор пўстлоғини милкдан қон кетганда яра ва жароҳатларга малҳам сифатида ишлатган.

Анор пўстидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган чинни идишга бир стакан миқдорда (200г) сув қуйилади, унга майдаланган мева пўстидан бир чой қошиқ солиб 15 минут давомида қайнатилади. 2 соат давомида тиндирилиб қўйилгач, сузиб олинади. Тайёрланган қайнатма билан кунига уч марта оғизни ғарғара қилиш тавсия этилади. Милклар бўшашиб кетганда яъний ҳозирги кунда пародонти касалликларида анор гулини туйиб, ҳар куни пародонтал чўнтакга қўйиш тавсия этилади.



АТИРГУЛ:

Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобининг иккинчи жилдида атиргул тўғрисида шундай дейилган: атиргул гулбарглари қайнатиб, милк шишганда суртилса тез тузалишига ёрдам беради. Атиргул ва узум шарбати қайнатилиб суртилса милкларни мустаҳкамлайди ва пародонтда яллиғланиш касалликларини олдини олади.

Атиргул Шарқ халқлари тиббиётининг бошқа соҳаларида қадимдан кенг миқёсда қўлланиб келинган. Бу ўсимликнинг гулбаргларида мураббова гулқанд тайёрланган. Гулқанддан суринкали ва ўткир йўтал, бедармонлик, камқонлик, ва дизентерия каби касалликларини даволашда фойдаланишган. Шу билан бирга милкларни мустаҳкамлаш учун атиргул мойидан фойдаланишган.

АТИРГУЛ

Мойи таркибида фенилэтил спирти, гераниол, нерол, цитронеол, эвгенол, линалоол ва мураккаб эфирлар бор. Атиргул мойи қимматбаҳо ва ноёб ҳисобланади. Чунки 1кг атиргул мойи олиш учун 3 миллиондан ортиқ гул япроғи бўлиши керак.

Қизил атиргул мойидан милкларни даволашда фойдаланилади.

Атиргул мойини тайёрлаш учун қизил атиргул гулбаргларида эзилган 5-10г суюқлик 2 стакан қайноқ сувга дамланади. Бу дамлама катталар учун бир кунлик меъёр бўлса, болалар учун икки кунлик меъёрдир. Тайёр бўлган дамлама билан ҳар 2 соатда оғиз чайилса пародонтнинг озиқланишини ва моддалар алмашинувини нормаллаштиради.



ДАЛА ЧОЙ :

Дала чой турлари таркибида эфир мойлари, антоциантлар, каротин, салмоқли миқдорда витамин С(1151,8мг гача), қанд ошловчи моддалар, флавоноид ва гликозидлар катрон, микроэлементлар бор.

Далачой шифобахш ўсимлик сифатида қадимдан қўлланиб келинмоқда. Абу Али ибн Сино дала чой ўсимлигини оғриқ қолдирувчи дори сифатида ва турли яра ҳамда жароҳатларни даволашда ишлатган.

Халқ табobatiда далачойдан тайёрланган дорилар ошқозон-ичак оғриқлари, ошқозон яллиғланиши, жигар ўпка ва юрак касалликларини даволаш билан бирга милкларни мустаҳкамлашга фойдалинилади. Милкларни мустаҳкамлаш ва оғиз бўшлиғидаги нохуш ҳидларни йўқотишда далачой тиндирмасини суюлтириб оғиз чайилади.

Далачой турларидан уй шароитида қуйидагича дамлама тайёрлаш мумкин: оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, унинг устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 10г солинади ва дамба

кўйилади.Сўнгра докада сузилади.Дамламадан кунига 2-4 марта оғиз чайилади.



ЁНҒОҚ:

Ёнғоқнинг таркибида ёғ, 21% оксил, 7% атрофида углеводлар, кўп миқдорда витамин С (1000-3000мг%), витамин В, В₁ ва каротин мавжуд. Булардан ташқари ёнғоқ мағзида минерал тузлар ва микроэлементлар ҳам бор. Кўк қобиғида 25%,барғида 12%танид моддаси ҳамда 0,1%гача эфир мойи сақланади. Баргларида юглон, тез оксидланадиган гидроюглон, флавоноид гиперозид, кўп миқдорда витамин С бўлади. Юглон деб номланувчи модда бактерицид хусусиятига эга.

Халқ тиббиётида ёнғоқ кўпдан-кўп касалликларга даво сифатида қўлланилади.Ёнғоқдан тайёрланадиган препаратлар ташқи дори-дармон сифатида симоб таъсирида пайдо бўлган яраларни даволаш билан бирга пародонтитни даволашда ҳам қўлланилади.

ТОҒ ЖАМБУЛИ:

Тоғ жамбули таркибида 1%га қадар эфир мойи, танинлар, флавоноли гликозид, серпилин каби моддалар билан бирга витаминлар ва минерал тузлар ҳамда органик кислоталар мавжуд. Унинг таркибида эфир мойида тимол ва карвалол бор. Булар ўз навбатида антисептик хусусиятга эга.

Тоғ жамбули ҳам ўзининг серхосиятлиги билан танилган ўсимликлардандир. Халқ тиббиётида тоғ жамбули бир қатор хасталикларни даволашда тавсия этилади. Масалан, тоғ жамбилидан тайёрланган қайнатма меъда фаолиятини яхшилайд,кўкрак оғриғида , йўтал ва уйқусизликда истеъмол қилинади. Тоғ жамбилининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма билан оғиз чайқалса , танглай қуриши, милкларнинг яллиғланиши даволанади.



ЯЛПИЗ:

Ялпиз таркибида эфир мойлари (ментол, ментон, пинен, фландрен,цениол, незлиол, жасмин), органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, рамноза, глюкоза, рутин, витамин С ва яна бир қатор фойдали моддалар бор.

Ялпиз қадим замонлардан бери халқ тиббиётида ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ялпиз воситасида ичак оғриқларини даволаш билан бирга унинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма тиш оғриғи, оғиз караши, милк яллиғланишини даволашда ишлатган.

Ялпизли қайнатма тайёрлаш учун 5-20 грамм қуритилиб майдаланган ялпизни 200 грамм сувда 15 дақиқа қайнатилади, докадан сузиб оғиз чайилади.



КАРАМ:

Карам барглари таркибида 2,6-5,7% микдорда қанд, 1,1-2,3% оксил, витамин С (70мг%), В₁, В₂, В₆, РР, каротин, пантонин кислотаси, шунингдек калий (185-375мг%), натрий С (13мг% гача), фосфор (78мг% гача) тузларини, фермент ҳамда аминокислоталарни сақлайди. Бошли карам таркибида витамин “U” топилган бўлиб, меъда жароҳати касаллигини даволашда тавсия қилинади. Карамнинг сархил баргларида ўзида олтингугурт сақловчи гликозидлар ҳам учрайди.

Карам халк табобатида ташқи муолажа сифатида фойдаланилади. Тери яллиғланганида, куйганида, лат еганда ишлатилади. Шу билан бирга милклар бўшашида ҳам карамдан даволаниш мумкин. Бунинг учун нардон карам шарбати билан оғиз чайқалади ёки нордон карам чайналади.

ЛИМОНЎТ:

Лимонўт ер устки қисми таркибида 0,02-0,14% эфир мойлари, витамин С (150мг%), 5% танин, флавоноидлар, органик кислоталардан лимон, қахраб кислотаси, минерал тузлар, провитамин А ва бошқа моддалар бор.

Болгар шифокорлари лимонўтнинг хосиятларидан фойдаланишган. Лимонўт уйқусизликка тиним бағишлаб, тери тошмаларига барҳам беришда асқотади. Ташқи муолажа сифатида лимонўт воситасида тайёрланган дамлама милк касалланганида---ўйилишида ғарғара қилинади ва тезда шифо топади.

Лимонўтдан қуйидагича дамлама тайёрланади: 20грамм қуритилган ўтдан олиб устига 200г қайноқ сув солинади ва яхшилаб ўраб қўйилади. Дамлама совигач кунига 5-6 марта оғиз ғарғара қилинади.



МУРЧ:

Қора мурч таркибида 5-9% пиперин алкалоиди, 1,5% гача эфир мойлари, 1-2% смола (катрон), 6-12% ёғ моддалари мавжуд. Мурч таркибидаги омиллар иштаҳа очади, безлар секрециясини яхшилайдди, таомнинг ҳазм бўлишини осонлаштиради.

Мурчдан қадим замонлардан бери шифобахш омил сифатида фойдаланиб келинган. Абу Али ибн Сино мурч хислатлари устида тўхталиб шундай деган: мурч майиз билан қўшиб чайналса, ёпишқоқ балғамни кўчиради ва бутунлай йўқотади, сирка билан истемол этилса, тишга фойда қилади, милкни мустаҳкамлайди.

ҚЎЗИҚУЛОҚ:

Сабзавот сифатида қўзиқулоқнинг барглари ишлатилади. Барги таркибида оксил, қанд, органик кислоталардан оксалот кислота (360мг%), олма ва лимон кислоталари, витамин С (81мг% гача), В₁, В₂, каротин (8 мг%), ошловчи моддалар, эфир мойлари, флавоноидлар, сиола, минерал тузлар мавжуд. Ўсимлик илдизи таркибида 4% га қадар оксиметилантрохинон, витамин К, органик кислоталар, ошловчи моддалар ва мой мавжуд.

Халқ табobatiда қўзиқулоқ бир қатор хасталикларга даво сифатида тавсия этилади. Чунончи нордан қўзиқулоқ баргларидан тайёрланган дамлама билан лавшада, милк ва танглай яллиғланишида ғарғара қилинади.



АРПАБОДИЁН:

Арпабодиённинг шифобахш қисми –асосан меваси ҳисобланади. Унинг таркибида 2-3 % анис эфир мойи ва кислотаси бор. Илмий тиббиётда арпабодиённинг анис мойи пародонтитда милк чўнтақларини даволашда ишлатилади. Бир ош қошиқ мева бир стакан қайноқ сувда 20 дақида дамланади. Шу дамлама билан кунига 5-6 марта ғарғара қилинади.

БАЗИЛБАНГ:

Базилбанг таркибида лагохилин, эфир мойи, каротин, ошловчи моддалар, S- витамини бор. Базилбанг дамламаси ва настойкаси қон ивишини тезлаштиради, қон босимини тушуради, асабни тинчлантиради.

Стоматологияда бозилбанг дамламаси милк қонашида, хирургик операциялардан аввал буйирилади. Дамлама тайёрлаш учун ўсимликнинг 1 ош қошиқ гули ва барглари 1 стакан сувда 1 соат дамланади. Дамлама шимдирилган дока салфеткалари милкка, оғиз шиллиқ қаватида аппликация қилинади.

ИСИРИҚ:



Исирик Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари табобатида асрлар давомида ишлатиб келинаётган ўсимликлардан бири ҳисобланади. Исирик май ойида гуллайди, кузгача меваси пишади. Ўсимликнинг ҳамма қисмида алколоидлар, бўёқ ва бошқа моддалар бор, уруғида мой кўп.

Халқ табобатида исирикнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма жуда кўп хасталикларга даво қилиб қўлланилади, жумладан оғизни чайиш милк касалликларида, милк қонаганда тавсия этилади. Бунинг учун 1 стакан сувда 1 чой қошиқ қуритилган исирик шохчаларидан солиб бир оз қайнатилади, сўнг докадан ўтказиб оғиз чайилади.

КУМУШСИМОН ҲОЗПАНЖА:

Кумушсимон ғозпанжа таркибидаги S-витамини, танин ва бошқа моддалар унга яллиғланишни қайтариш ва қон босимини тўхтатиш ҳамда буриштирувчи хусусиятларни беради.

Стоматологияда маҳсулотнинг дамламаси милклар қонаганда, оғиз шиллик қавати яллиғланганда чайиш учун ишлатилади. Бунинг учун бир ош қошиқ қуритилган кумушсимон ғозпанжанинг ер устки қисми бир стакан қайнаган сувда ўттиз дақиқа дамланади ва докадан ўтказиб оғиз чайишда ишлатилади.



МОЙЧЕЧАК:

Мойчечак гулида 0,5% атрофида эфир мойлари, азилин, апегенин, флавоноидлар учрайди. Эфир мойлари дизенфекция қобилятига эга. Азилин тўқималаридаги аллергия ҳолатни пасайтиради, регенерация процессларини оширади. Апиценин силлик мускул таранглигини бўшаширади. Шу хусусиятлари туфайли мойчечак гулидан тайёрланган дорилар тиббиётда жуда кенг ишлатилади.

Стоматологияда мойчечак гули дамламаси оғиз шиллик қавати ва милклар катарал яллиғланганда, пародонтитда чайиш учун ишлатилади.



НАЪМАТАК:

Наъматак меваси Свитаминага жуда бой, қора смородинага нисбатан 10 марта, олма нисбатан 100 марта бой. Бундан ташқари меваси А провитаминага бой бўлиб, таркибида К, В₂, Р витамини, ошловчи моддалар, қадлар, лимон кислотаси, минерал тузлар сақлайди.

Стоматологияда мева дамламаси милк яраланганда ва ундан қон оққанда оғизни чайиш учун ишлатилади. Қайнатма тайёрлаш учун 2 стакан сувга 1 ош қошиқ мева солиб 10 дақиқа секин қайнатилади. Қайнатма билан кунига 2-3 марта овқатдан олдин ярим стакандан ичилади. Шу тарзда наъматак мевасидан олинган мой пародонтитда, оғиз шиллиқ қавати шикастланганда. Яраланганда эпителизацияни кучайтирувчи модда – кератопластик сифатида катта муваффақият қозонди.



ПИЁЗ:

Пиёз боши таркибида эфир мойи, S витамини, каратин, фитонсидлар, флавоноидлар бор. Баргида булардан ташқари органик кислоталар бўлади. Стоматологияда пиёз бошининг сиртидаги настойкаси-аллипчер ва глицериндаги экстракти-аллилглицер ишлатилади. Бу дорилар яллиғланишда, бактерияларга ва цингага қарши қобилиятлари, регенерацияни тезлаштириш хусусиятлари бўлгани учун ярали гингивостоматит, пародонтитда оғизни чайиш, аппликация қилиш ва тиш-милк чўнтақларини ювиш учун ишлатилади.



РОВОЧ:

Ровоч халқ табобатида шифобахш ўсимлик сифатида шилатиб келинмоқда. Ровоч ўсимлиги таркибида антрагликозидлар, органик кислоталар, витаминлар, қандлар, бўёқ ва ошловчи моддалар бор. Стоматологияда ровоч илдизидан тайёрланган қайнатма оғиз шиллиқ қавати катарал яллиғланганда бактериоцид, буриштирувчи ва милк қонашини тўхтатувчи сифатида қўлланилиши мумкин.



ТИРНОҚГУЛ:

Тирноқгулдан халқ табобатида шифобахш ўсимлик сифатида кенг фойдаланилади. Тирноқгулнинг шифобахш қисми асосан гулсавати ҳисобланади. Тирноқгулнинг гулсавати таркибида каротоноидлар, эфир мойлари, саронин, аччиқ модда- календен, смола, алкалоид, фитонсидлар мавжуд. Дорихоналарда сотиладиган тайёр тирноқгул настойкасининг бир чой қошиғини бир стакан илиқ сувга солиб, оғиз бўшлиғи ва тиш-милк чўнтақларини босим ювиш лозим. Настойкани соф ҳолда милк қирғоқлари яралаганда ва бетга суртилади.

ТУХУМАК: Тухумакдан фармацевтика саноатида кенг фойдалинилади. Тухумак ўсимлигининг таркибида 25% гача рутин моддаси мавжуд. Рутин билан бирга сафотин, аскорбин кислотаси, сафорокозид гликозиди ва кварцетин ҳам учрайди. Тиббиётда рутин қон томирлар деворини мустаҳкамловчи, уларнинг ўтказувчанлиги камайтирувчи дори сифатида маълум. Софора препаратлари стоматология амалиётида генгивостоматитларда, пародонтитда, геморрагик диатезда, милклар қонашида витамин S билан ичишга ёки шикастланган жойни чайиш, суртиш учун қўлланилади.

ҚОВУЛ: Қовул ўсимлигининг гули таркибида рутин, кварцетин, S витамини, баргида шохсимон, илдизида В цитостерин бор. Табобатда қовул гули шираси яраларга даво қилинади, мева қайнатмасини эса тиш оғриғини қолдирувчи ва милкни мустаҳкамловчи дори сифатида фойдаланилади.

Адабиётлар.

1. А. А. Колесов. – «Стоматология детского возраста». – Москва, 1991 г.
2. I.X.Xalilov, O.S.Yo'ldoshxonova, X.Sh.Rahmonov – Bolalar terapevtik stomatologiyasi va stomatologik kasalliklar profilaktikasi, -Yangiyo'l, 2006 y.
3. Т. Ф. Виноградова. – «Стоматология детского возраста». – Москва, 1987 г.
4. Т. Ф. Виноградова, О. П. Максимова, Э. М. Мельниченко. – «Заболевания пародонта и слизистой оболочки полости рта у детей». – Москва, 1983 г.
5. Т. Х. Сафаров, И. Х. Халилов. – «Болалар даволаш стоматологиясидан амалий кўланма». – Тошкент, 1997 й.
6. Э. М. Кузьмина и соавт. – «Профилактика стоматологических заболеваний». – Москва, 1997 г.
7. Н. Г. Пахомов. – «Первичная профилактика в стоматологии». – Москва, 1982 г.
8. Н. В. Курякина. – «Терапевтическая стоматология детского возраста». – Н. Новгород, 2001 г.
9. В.Г.Сунцов, В.К.Леонтьев, В.А.Дистель, В.Д.Вагнер. «Стоматологическая профилактика у детей.»- Н.Новгород, 2001
10. Николаев А.И., Практическая терапевтическая стоматология - 2004 г
11. Скорикова Л.А.,Пропедевтика стоматологических заболеваний -200
- 12.Харкевич Д.А. Фармакология. Дарслик.М.: Медицина, 2001, 2005.
- 13.Харкевич Д.А. Общая рецептура. Ўқув кўлланмаМ.:Медицина, 1982.
- 14.Харкевич Д.А.Руководство кпрактическим занятиям по фармакологии. Ўқув кўлланма. М.: Медицина, 1988.
- 15.Азизова С.С. Фармакология.Дарслик.Ташкент: Ибн-Сино, 2000, 2002.

